**Ушбу сонда:**

2 — 2006 йил — Ҳомиладорлар ва шифокорлар йили

3 — ВАКИЛЛИКЛАР УЧУН ТАВСИЯЛАР

4 — ҚАДР ТОПГАН КАСБ



# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 25 январ, чоршанба № 13 (2062)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


*Салоҳият*

## МАТЕМАТИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида мактаб ўқувчиларининг физика ва математика фанлари бўйича иккинчи халқаро олимпиадаси якунланди. Йигирма саккиз давлат вакиллари иштирок этган беллашувларда юртимиздан Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг етти нафар ўқувчиси қатнашди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, унда ҳамюртларимиздан икки нафари - Ўткир Болтаев ва Жасур Кўчқоров халқаро олимпиаданинг кумуш медали билан тақдирланган. Ихтисослаштирилган мактаблар жамоалари ўртасидаги математика бўйича мусобақада эса Ўзбекистон жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Совриндорлар билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, ёш истеъдодлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани алоҳида таъкидланди.

Совриндорларга, илғор мактаб жамоаси вакилларига эсдалик совғалари топширилди.

## ПРЕЗИДЕНТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 январ куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.***

Маълумки, Ислом Каримовнинг 2005 йил 6-7 октябр кунлари Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши тўғрисида келишиб олинган эди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан суҳбатлашар экан, бунга яна бир бор изоҳ берди.

- Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўзининг мақсад ва вазифалари нуқтаи назаридан бир бирига ўхшаш эди, - деди Ислом Каримов. - Ушбу давлатларнинг куч-қудратини, имкониятларини бирлаштириб, ягона мақсад сари йўналтирилса, бу албатта ўз самарасини беради. Бундан ташқари, янги тузилма вақтни тежаш, бир масалани икки марта муҳокама қилмаслик, ортиқча сарф- харажат ҳамда ташкилий ишлардан чекиниб, кўпроқ амалий фаолиятга ўтиш имконини беради.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар раҳбарларининг Санкт-Петербург учрашувида интеграцияни ривожлантиришга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар атрофлича муҳокама этилиши мўлжалланмоқда.

Ташриф давомида Россиянинг «Газпром» очиқ акционерлик жамияти билан ҳамкорликда амалга оширилиши мўлжалланган йирик лойиҳалар яна бир карра муҳокама қилинади. Ташриф асносида иккита йирик шартноманинг имзоланиши кўзда тутилган. Ўйлайманки, ушбу шартномалар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги энергетика соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, биргаликда янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиради. Бундан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдор, албатта.

**(ЎзА)**

* * *

*24 январ, Санкт-Петербург (ЎзА мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига етиб келди. Бу ерда давлатимиз раҳбари Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида иштирок этади.

Оқшом ЕврАзЭСга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

## «ТОНГ» ГУЗАРИ

Муборак шаҳридаги «Тонг» маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий маҳалла гузари мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шарқона ҳамда замонавий меъморлик услублари уйғунлигида бунёд этилган мажмуа қурилишида сифат ва дизайнга алоҳида эътибор қаратилди. Мажмуанинг марказий қисмидан жой олган гўзал ва бетакрор «Бахт уйи» биноси, атрофдаги фаввора ва ёритгичлар ҳамда мўъжазгина боғ нафақат маҳалла, балки шаҳар ҳуснига ҳусн бағишлади.

*Касаба уюшмалари: бугун у қандай бўлиши керак?*

## ЕТАКЧИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

***Ҳар бир корхона ёки ташкилотнинг парвозу-инқирози етакчига боғлиқ. Айниқса, касаба уюшма фаолиятидаги турғунлик, депсиниш жамоага қимматга тушади. Буни "Сирдарёгаз" ҳудудий корхонаси касаба уюшма ташкилоти ўз бошидан кечирди.***

Иқтисодий қудрат, салоҳиятни тиклаш, соҳани тажрибали ходимлар ҳисобига мустаҳкамлаш осон кечмади. Негаки бўғзигача қарздорликка ботган чоғларда жамоага елкадош бўлганлар бармоқ билан санарли даражада эди. Иқтисодиётдаги оқсашларга барҳам бериш йўлидаги уринишлар ижобий якун топди. Соҳа ходимларининг манфаати, унумли ишлашлари учун шароит яратилди. Корхона раҳбари Баҳодир Боймуродов газчиларни соғломлаштириш, дам олишларини ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Ходимлар ижтимоий муҳофазаси, меҳнат хавфсизлигига етарлича маблағ ажратилди. Аммо узоқ фурсат касаба уюшмадан ташаббус, интилиш сезилмади. Бунинг натижаси ўлароқ сўнгги ҳисобот йиғилишида ташкилот етакчиси ходимларнинг жиддий қаршилигига дуч келди.

Эътирозлар ўринли эди. Тизимдаги бошланғич ташкилотлар ўз вазифаларини лозим даражада уддаламасдан келаётган экан. Корхона тармоқларида таътил графиги ишлаб чиқилмас, баъзи ходимлар икки-уч йиллаб меҳнат таътили нима эканлигини билмаётганди. Бу масалани бевосита назоратга оладиган бошланғичлардан эса садо бўлмаган. Қолаверса, қўмита таркибидаги бошланғичлар йиллар давомида арзигулик масала кўтариш уёқда турсин, ўз йиғилишларини ҳам жўяли ўтказмаётганлиги маълум бўлиб қолди. Кўпчилик хоҳиш-истаги инобатга олинди. Корхона касаба уюшма ташкилотига янги етакчи сайланди.

— Маъмуриятнинг қўллаб-қувватлаши муаммоларни бартараф этишда қўл келди, — дейди касаба уюшма қўмитасининг раиси Мавлон Норқулов. — Кейинги икки йилда ташкилот ўз нуфузини тиклабгина қолмасдан, меҳнаткаш суяниб, ишонадиган ташкилотга айланди.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма ўртасидаги жамоа шартномаси ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Тизимда меҳнат қилаётган 768 нафар ходимларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳақ-ҳуқуқлари, саломатликлари муҳофазага олинган. Соғлом иш ва турмуш тарзини шакллантириш омиллари изланаяпти. Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари бардамлигини таъминлаш учун ўтган йили беш миллион сўм маблағ сарфланди. Тармоқда хизмат қилаётган 119 нафар хотин-қизлар алоҳида имтиёзлар билан қамраб олинган. Ҳомиладор, кўп фарзандли аёлларга қисқартирилган иш соатлари жорий этилган. Ҳомиладорлик таътилига чиқаётган аёлларга икки ойлик ўртача маош тўлаб бориладиган таътил мавжуд.

Меҳнаткашларни ўз фурсатида таътилга кузатиш, уларнинг дам олиши, сиҳат-саломатликларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилаяпти. Биргина ўтган йилда корхона хизматчиларининг эллик нафари мамлакатимиздаги турли сиҳатгоҳларда дам олдирилди. Маъмурият ва касаба уюшма диққат-эътибори соҳада ишлаётган кўп болали, ногирон, кам даромадли оилаларга қаратилган. Ҳар ой ходимлар умумий даромади ҳисобга олиниб, ёрдамга муҳтож, дея топилган оилалар муайян миқдордаги кўмакка тавсия этилаяпти. Ана шундай оилаларга 2005 йилда 26 миллион 448 минг сўмлик моддий мадад берилди.

Тармоқ истиқболи ишчан, серғайрат, айни чоғда бардам ходимга боғлиқ. Моддий фаровонликкина одамларга унумли ишлаш, юқори натижаларга эришиш кафолатини беради. Ана шу хусусиятларни таркиб топтириш, ходимлар моддий фаровонлигини кўтаришга 45 миллион 628 минг сўм сарфланди.

Бу ерда хавфсиз иш ўрни яратиш бош шиорга айланган. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликларга йўл қўймаслик, бахтсиз тасодифлар олдини олишга ҳаракат қилинаяпти. Ишчи-хизматчилар муттасил тиббий кўрикдан ўтказилиб турилади. Улар ишчи коржомалари, хавфсизлик воситалари билан мунтазам таъминлаб келинаяпти. Меҳнат-техника инспекцияси билан ҳамкорликда иш ўринларини шаҳодатлаш, эски асбоб-ускуналар фаолиятини чеклаш доимий амалиётга айланган. Меҳнат муҳофазасини таъминлашга 2005 йилда 6 миллион 65 минг сўм маблағ сарфланди. Фаолиятни тубдан такомиллаштириш, замонавий асбоб-анжомлар, ҳавони тозалаш тизимлари самарадорлигини оширишга эътибор қаратилаяпти. Ўтган йили 15 миллион сўмдан ошиқ маблағ ана шу ниятларга ажратилди. Бу эса зарарли иш шароитида ишлаётганлар заҳматини енгиллатишга хизмат қилди.

Кейинги беш йилда майиб бўлиб қолиш, ишлаб-чиқаришдаги хатоликлар туфайли лат ейишлар барҳам топди. Кўп минг кишилик жамоада бунинг уддасидан чиқиш осон эмас, албатта. Ютуқлар замирида катта меҳнат, изланиш ётади. Корхонада турли ўқувлар режалаштирилиб, малакали мутахассислар жалб этилган семинарлар уюштирилиб келинаяпти. Тармоқдаги меҳнат муҳофазаси муҳандислари, ҳисобчилар, иқтисодчилар, техник ходимлар ўқувлари шулар жумласидандир.

Корхона ҳудудида спорт майдончаси барпо этилган. Ишлаб топилган маблағнинг муайян қисмини хайрли, савобли ишларга сарфлаш анъанага айланган. Поёнига етган йилда таълим муассасалари ва илми толибларга бир миллион сўмликдан ошиқ ўқув қуроллари, дарсликлар туҳфа этилди. Қариялар, ёлғиз яшовчи кексалар меҳр-оқибат билан қуршаб олинди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## ҲАДЕМАЙ БАҲОР КЕЛАДИ

*«Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси Самарқанд филиалининг ташкил топганига ҳадемай 50 йил тўлади.*

*Айни пайтда бу ерда ўз касбининг билимдонлари, тажрибали мутахассислар меҳнат қилишади. Хўжалик боғларида шу кунларда иш қизғин. Уруғли меваларга шакл бериш, токзорларни суғориш, атиргулларни пайванд қилиш, дала бошига маҳаллий ўғит чиқариш, дов-дарахтларга кимёвий ишлов бериш ишлари авжида.*

*Ҳозирги кунда филиалимизда баҳорги кўчат экиш мавсумига – токнинг тўққиз тури, гилоснинг беш, олманинг ўн бир ва манзарали кўчатлардан бўксус, фарзина, лигуструм ниҳолларидан бир миллион тупи харидорлар учун ҳозирлаб қўйилди. Яқиндагина озарбайжонлик қардошлар хўраки ва майизбоп узумларнинг 200 минг тупини ўз ватанларига олиб кетишди.*

**Суратларда: боғбон Алишер Ҳайдаров; филиал боғларида.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

***Газетамизнинг 2005 йил 16 декабр сонида «Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Куни кеча ушбу мақола юзасидан таҳририят жавоб хати олди. Унда, жумладан, шундай дейилади:***

Вилоят бирлашмалари ва бошқармаларига қарашли ташкилотлар ва хўжаликларда меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи яна бир марта ўрганиб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилди, хусусан, барча пахта тозалаш корхоналарида, қишлоқ хўжалиги ташкилотларида ва фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги масалалари бўйича навбатдан ташқари йўриқнома ўтказилди.

Шунингдек, «Сирдарёпахтасаноат» бирлашмаси корхоналарида вилоят санитария-эпидемиология маркази, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда иш жойларини баҳолаш ишлари амалга оширилди, ишчи ва хизматчилар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Тизимдаги барча корхоналарда ишчилар учун жами 40,1 миллион сўмлик махсус кийим-кечак ва ҳимоя воситалари келтирилди, 5,5 миллион сўмга меҳнат ва техника хавфсизлиги қонун-қоидаларига бағишланган плакатлар, йўриқномалар мажмуалари учун буюртма берилди ва бошқа ишлар амалга оширилди.

Шундай чоралар «Ўзбекистон» фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги томонидан меҳнатни муҳофаза қилишга доир масалалар доимий назоратга олинди.

**С.ЎСАРОВ,**
**Сирдарё вилояти ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибияти мудири**

*Жўшқин ҳаёт нафаси*

## ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи ҳужжатлари кенг ўрганилиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Республика ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг вакиллиги қурултой қарорлари ва ҳужжатларини ўрганиш мақсадида ўқув-семинари ташкил этди.

Машғулотларда тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг вилоятдаги вакили С.Ҳамроев, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Э.Ражабов, Муборак газни қайта ишлаш заводи меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Р.Аҳмедов, «Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонаси бош мутахассиси Д.Аҳматов, касабақўм раисларидан Ж.Қурбонов, А.Ашуров, Р.Бердиев, З.Норқобилов ва бошқалар Қурултойда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришда соғлом меҳнат шароитларини шакллантириш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашда касаба уюшма ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари ролини ошириш хусусида сўзладилар.

Ўқув-семинар қатнашчилари вилоятдаги йирик корхоналарда бўлиб, меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз иш шароитларини яратиш соҳасида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

*Қашқадарё вилояти*

### СЕМИНАР-МУНОЗАРА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши, прокуратура, давлат солиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, акционерлик тижорат «Пахта банки»нинг вилоят бўлими, деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги ҳамкорлигида қизиқарли семинар-мунозара бўлиб ўтди.

Касабақўм раислари ва фаоллар иштирокида уюштирилган бу муҳим тадбир «Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини шакллантириш, ходимлар ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари»га бағишланди.

Вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги юридик бўлими бошлиғи Б.Қудратов, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раисининг муовини С.Раҳматов, ташкилий, маданий, маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ғ.Давронов, ҳуқуқшунос Н. Ҳайдаров, вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Жумақулов, давлат солиқ бошқармаси юридик бўлими бошлиғи К.Бобомуродов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари З.Эшнаев мулк шаклининг ўзгариши муносабати билан фермер хўжаликларида Меҳнат кодекси талабларига риоя этиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалалари, касаба уюшмалари фаолиятини ташкил қилиш юзасидан фикр алмашдилар.

### ИККИ БОСҚИЧДАН ИБОРАТ

**кўрик-танлов**

Тизимдаги барча бўғин касаба уюшма ташкилотларида бозор иқтисодиёти жараёнида соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини замон талаблари даражасига кўтариш ва бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш мақсадида вилоят кенгаши раёсати «Намунали касаба уюшма ташкилоти» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди.

Икки босқичда ўтказиладиган бу кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси касаба уюшма Федерацияси IV қурултойида қўйилган вазифалар асосида ташкилотчилик ишларини олиб бориш, жамоа келишуви, жамоа шартномаси асосида ходимларнинг иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини йўлга қўйиш, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг вақтида тўланишини таъминлаш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва малакасини таъминлаш, иш хоналарини амалий ва услубий тавсиялар билан жиҳозлаш, кам таъминланган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш, мулк шакли ўзгариши билан қисқартиришга тушиб ёки бекор қолган ходимларни ишга жойлаштириш, меҳнаткашлар ҳуқуқий билимини ошириб бориш, корхона ва ташкилотларда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши, соғломлаштириш, маданий-маърифий, спорт соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар чуқур таҳлил этилади.

Кўрик-танлов низомида кўрсатилган талабларни бажарган касаба уюшмалари ғолиб деб топилиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» хайрия тадбири ўтказилди.***

## БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Унда ўқитувчи ва талабалар болажонларга ўз қўллари билан ясаган икки юздан ортиқ турли қўғирчоқлар совға қилди.

Талабалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросидаги куй ва қўшиқлар ҳам болажонларга манзур бўлди.



*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ

***Резеда Хайрулина қизилтепаликларга хос андишали, ўн ўйлаб бир кесадиган аёл. У ноҳақлик азбаройи жонидан ўтганидан сўнг, ёрдам сўраб туман прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.***

Текширишда маълум бўлишича, туман ҳокимининг 2004 йил 29 сентябрдаги қарорига асосан «Қизилтепа пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятида 23 та ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар учун иш ўрни ташкил қилинган бўлса-да, жамият раҳбарияти томонидан меҳнат бўлимининг 2005 йил 3 февралдаги 20-сонли йўлланмаси билан келган фуқаро Резеда Хайрулинани махсус яратилган ва сақланиб қолинмаган иш ўрнига жойлаштириш чораси кўрилмаган. Уни ишга олишдан асоссиз бош тортилган.Ушбу ҳолат юзасидан жамият раиси А. Асадов огоҳлантирилди. Кадрлар бўлими бошлиғи Л. Эшовга маъмурий иш қўзғатилди. Шунингдек, текшириш жараёнида жорий йилнинг феврал ойида Резеда Хайрулинага ишсизлик нафақаси учун молиялаштирилган пул маблағи «Халқ банки» туман бўлими орқали тўланиши таъминланди. Прокуратура аралашуви билан Р. Хайрулина тумандаги «Ипакчи» масъулияти чекланган жамиятга ишга қабул қилинди. Бундан ташқари, ишсиз деб эътироф этилган бошқа фуқароларнинг тўланмай келинаётган 309 минг 627 сўмлик ишсизлик нафақаси ҳам ундириб берилди.

Меҳнаткашларнинг мурожаатлари билан ишлаш, жойларда содир этилаётган қонунбузилишларни бартараф этишда туман прокуратураси томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фуқаролардан тушган 69 ариза ва шикоятларни текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Бу бир томондан ариза-шикоятларнинг кескин камайишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан фуқароларнинг адолат истаб юқори идора ва маҳкамалар эшигида сарсон-саргардон бўлишининг олдини олмоқда. Масалан, тумандаги 411-сонли ихтисослашган жамиятда ишлаётган 30-нафар ишчи-хизматчи 2004 йилнинг декабр ойидаги 530 минг сўм иш ҳақини тўлов муддати аллақачон ўтган бўлса-да, олишолмаган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган муддатларда тўлаши шартлиги кўрсатилган. Жамият бошлиғи Шоназар Ҳақбердиев ва бош ҳисобчи Қўлдош Баҳроновлар қонун ҳамда қарорлар талабларини бузганлиги учун уларга Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 49-моддаси билан иш қўзғатилди.

Шунингдек, фуқаро А.Алиевнинг ва тумандаги «Фарҳод» ҳиссадорлик жамияти раиси Шароф Ҳожиевнинг аризалари асосида уларга етказилган зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризалари киритиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

**2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили**

# ХАЙРЛИ, САВОБЛИ ИШЛАРДА БИР-БИРИМИЗДАН ЎЗИШГА ШОШИЛАЙЛИК

*Ташаббус*

***Жаҳондаги энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган «Шўртангазкимё» мажмуаси ҳар йили 3,5 миллион кубметр табиий газни қайта ишлаш, 125 минг тонна полиэтилен грануласи, 100 минг тонна суюлтирилган газ, 100 минг тонна газ конденцати ишлаб чиқариш қувватига эга.***

## ОЙНИНГ ОХИРГИ ЖУМАСИ

### Меҳр-мурувват куни, деб эълон қилинди

Айни пайтда тайёр маҳсулот Россия, Афғонистон, Тожикистон, Покистон, Хитой, Исроил, Грузия, Туркманистон, Эрон, Қирғизистон, Латвия каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Мажмуада боқувчисини йўқотган, ногирон ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳар йили жамоа аъзоларига 700 миллион сўмлик мукофот, 115 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Бултур кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш учун 40 миллион сўмдан зиёд, Миллий қадриятларни тиклаш ва спортни ривожлантириш дастури бўйича 565 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами берилди.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг бирлашган йиғилиши қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Корхона бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Алишер Султонов жўяли таклифни ўртага ташлади.

– Ходимларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи 158 минг сўмдан ошди, – деди раҳбар. – Олинган маошдан муҳтожларга ёрдам жамғармаси ташкил қилсак, айни муддао бўлар эди.

Таклиф ҳаммага маъқул келди. Ҳар ойнинг охирги жумаси «Меҳр-мурувват куни» деб эълон қилинди. Хайр-саховат ишларни йўлга қўйиш учун тажрибали мутахассис Ҳалим Кўпайсинов бошчилигида ишчи комиссияси тузилди.

Замирида катта савоб ётган ташаббус бутун жамоага ёйилди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарори қабул қилиниб, мажмуа идораси, цехлар олдига 20 та қути ўрнатилди. Тушган маблағни фаоллар ва фахрийлардан иборат комиссия ҳисоб-китоб қилиб оладиган ва муҳтожларга топширадиган бўлди.

Бултур 4 ойда 2 миллион 317 минг сўм маблағ тўпланди. Жамғарилган пуллар комиссия аъзоларининг назорати остида касаба уюшма қўмитаси, фахрийлар кенгаши билан келишилган ҳолда сарфланаяпти. Қамаши туманидаги 4-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун 91 жуфт пойафзал, 54 нафар ўғил болага костюм-шим, 37 нафар қизларга кофта-юбка совға қилинди. Катта дошқозонда ош дамланиб, ўғил-қизларга совға-саломлар улашилди.

– Яхшилик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди – дейди биз билан суҳбатда «Меҳрибонлик уйи» директори Шарофат Шоймардонова. – Газчиларнинг ҳимматидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ота-онасидан жудо бўлган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақиқий инсонпарварлик намунаси ва муқаддас бурч ҳисобланади. 2006 йилни юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинишида ўзгача инсоний маъно ва фалсафа мужассам. Саховатли ва беғараз ҳомийлик ҳар бир кишининг кайфиятини кўтариши табиий.

Ҳомий, деганда ён-атрофдаги бева-бечоралар, етим-есир, муҳтожларга кўмак ва ёрдам бериш, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур қиламиз. Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, мазкур корхонада меҳрга ташна кишилардан марҳаматини дариғ тутмайдиган саховатпешалар кўп. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси бошчилигида мажмуа, вилоят ва туман ҳудудида яшаётган икки мингдан зиёд ёрдамга муҳтож оилалар оталиққа олинган. Кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдам хонадонларга қувонч ва шуур бағишлаб, кўнгилларни чароғон этмоқда. Сахий ва ҳиммати баланд жамоани ишлари бароридан келиб, маҳсулот етиштириш кўпаймоқда. Даромад ортиб, ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларнинг турмуш шароитлари яхшиланаяпти.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Ислом КАРИМОВ:**

***Саховатли ва беғараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг ва узвий боғланиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас.***

*Миннатдорчилик*

***Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент Тиббиёт академиясининг республика неврология илмий-амалий маркази ташкил этилганига тўрт йилдан ошди. Ташхис лабораторияси ҳамда эндокринология бўлимлари қайта таъмирланиб, 50 миллион сўм маблағ сарфланди.***

## ШИРИН СЎЗ – ЖОН ОЗИҒИ

Марказнинг 25 ўринли шифохонасидаги хоналар замонавий услубда юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, гиламлар билан жиҳозланган бўлиб, даволанувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Бу ерга қадам ранжида қилган ҳар бир бемор ҳар томонлама текширувдан ўтказилади. Клиника директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ботир Даминов, бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди доцент Абдусаид Ҳасанов ва бошқаларнинг ташхислари мижозни даволашда қўл келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу бир оғиз ширин сўз ҳар бир бемор қалбига қувонч олиб киради, ҳаётга бўлган меҳрини оширади, кайфияти яхшиланиб, дарддан тезда фориғ бўлишига замин яратади.

Бўлимда ўз соҳасини пухта биладиган, касбининг фидойиси бўлган ширинсухан, меҳрибон, хушмуомала шифокорлар Мақсуд Собиров, Эркин Хотамов, Нигина Расулова, Азим Жабборов, ординаторлар Шерали Тошпўлатов, Олеся Колесникова беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда ҳамкасбларига намуна бўлишаяпти. Марказда беморларни даволашдан ташқари илмий ишлар ҳам олиб борилмоқда. Ўтган йили 21 та мақола чоп этилиб, шундан 9 таси чет эл журналларида ёритилди. Икки нафар аспирант эса номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бўлим шифокорлари аниқ режа асосида малакаларини ошириб боради. Ҳамширалар эса икки ойлик ўқишга юборилади. Бундан ташқари, ҳамширалар ҳар икки йилда аттестациядан ўтказилиб, олти йилда тоифага имтиҳон топширадилар.

Шифокорлар томонидан белгиланган муолажа ишларини ўз вақтида амалга оширишда ҳамширалардан Нафиса Тўлаганова, Раҳима Охунова, Шохида Искандарова, Умида Хўжаева, Индира Рашидова, Гулчеҳра Ёқуббоева, Замира Набиевалар номини алоҳида тилга олиб ўтиш ўринлидир. Уларнинг хизматидан барча беморлар мамнун.

Мен ҳам яқинда мазкур бўлим шифохонасида ўн кун даволаниб, яхши кайфият билан оиламга қайтдим. Бу ерда ишлаётган тиббиёт ходимларининг ширин сўзлиги, меҳрибонлиги, самимийлиги бир-бирига бўлган меҳр-оқибати дилингизни қувонтиради, оқ халатли саломатлик посбонларига нисбатан ишончингизни оширади.

**Э.ТЎЛАГАНОВ,**
**меҳнат фахрийси**



Зарбдор тумани марказий шифохонасида ўтган йили бирмунча ишлар амалга оширилди. Туманда 7 та қишлоқ-врачлик пункти, 3 та қишлоқ-врачлик амбулаторияси, 4 та фельдшерлик-акушерлик пункти мавжуд. Ўтган йили 2 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ҚВПга айлантирилди. Бунга тадбиркор ва фермерлар ўз сармоялари билан ёрдам бердилар. Туманда бу йил ҳам «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида кўплаб ишлар қилиниши режалаштирилмоқда.

**Суратда: болалар шифокори Дилором Назарова.**

**Б.НОРҚУЛОВ олган сурат**

*Яна бир қулайлик*

## ЧИНОЗДА ЯНГИ ҚВПлар

***Инсон учун дунёда энг катта бойлик, унинг соғлиги. Чунки тан-жони соғ одамгина олдига қўйган вазифаларни уддалай олади, бошқаларга ёрдами тегади. Энг муҳими, ундан соғлом, бақувват инсон дунёга келади.***

Туманда 166 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 36 мингдан ортиғини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Қолгани катта ёшдаги фуқаролардир. Уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, дардга чалинганларини даволаш эса шифокорнинг бурчидир.

Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими ривожига катта эътибор берилаётгани натижасида сўнгги йилларда туманда кўпгина кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Масалан, ўтган йили тўртта янги ҚВП қурилиб, фойдаланишга топширилди. Олтита амбулатория биноси замон талаблари



асосида таъмирланиб, мослаштирилди.

Бундан ташқари, сил касаллигига қарши кураш диспансерининг Олмазор ва Пахта бўлимлари, тиш даволаш поликлиникаси ишга туширилди. Шу боис ўтган йилда шифо масканларида муолажа олганлар сони 735 минг нафардан ошиб кетди. Туғиш ёшидаги 24930 нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Шу билан бирга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда ногирон беморлар имтиёзли даволаниши учун мавжуд имкониятлардан фойдаланяпти. Масалан, бултур беш нафар беморга Семашко номидаги республика, йигирма нафарига эса Тошкент вилоят "Маъданли сувлар" шифохоналарига бепул йўлланмалар берилди, - дейди туман марказий шифохонаси бош ҳакими Азимбек Исоқов. — Қирқ нафар ногирон ва ўн нафар иқтидорли ўғил-қизларга мурувват тадбири ўтказилди. Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги ҚВПда эса Кореядан келган мутахассислар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур тавсиялар бердилар. Даволаниши лозим топилганларга дори-дармонлар ажратилди.

Инсонларга тиббий хизмат кўрсатувчининг аввало ўзи соғлом бўлиши керак. Шунинг учун ходимлар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Ўтган йили соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида ўтказилган вилоят саломатлик спартакиадасида Чиноз тумани биринчи ўринни олди. Жамоага ҳомийлар ва ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Тўрт нафар ходим сиҳатгоҳ-профилакторийда соғлиғини тиклаб қайтишди. Болалар реанимацияси бўлимининг йигирма нафар ходими «Оқтош» сиҳатгоҳига юборилди. Касбига фидойи, кўпнинг дуосини олиб келаётган ҳамширалардан бир гуруҳи Тошкент шаҳрига бориб, машҳур санъаткорлар концертини кўриб, дам олиб қайтишди.

Чинозда янги даво масканлари қурилиб, борлари мукаммал таъмирланишида, улар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланишида ҳомийларнинг кўрсатаётган ёрдами катта бўлмоқда. Яқинда марказий шифохонанинг туғруқхона бўлими жорий таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун ҳомий ташкилотлар 20 миллион сўм ажратди. Э.Шамсиев ҚВПсида "Тез ёрдам" бўлими ташкил этилди.

Тиббиёт ходимлари байрами муносабати билан бир гуруҳ шифокор ва ҳамшираларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Лозим топилганларга сиҳатгоҳга йўлланма берилди. Шунингдек, ТМШ ошхонаси, мажлислар зали, ҳамда жарроҳлик бўлими томи янгиланди. Олмазор қўрғонидаги касалхона жорий таъмирланди. Бунинг учун 450 минг сўм сарфланди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» барчага катта масъулият юклайди. Шуни чуқур ҳис этган ҳолда амалдаги йилда бажариладиган ишлар юзасидан тадбирлар белгиланди.

**А.АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Янги йилнинг дастлабки иш кунини Касби тумани марказий шифохона ходимлари янгидан таъмирланган бинода бошладилар. Бунда ҳомийлар кўмаги катта бўлди. Тармоқ касаба уюшма қўмитасининг раиси Ахадулла Яхшиевнинг таъкидлашича, 1400 нафар касабақўм аъзолари 3 та бошланғич, 30 та гуруҳларга бўлинган ҳолда иш олиб бораяптилар. Уларнинг ҳар томонлама қулай ва шинам хоналарда фаолият юритаётганликлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга сабаб бўлмоқда.***

## ШИФОХОНА

### тадбиркорлар кўмагида таъмирланди

Қисқа вақт ичида таъмирланган даво масканига бюджет маблағидан 28 миллион сўм сарфланган бўлса, 68 миллион сўм ҳомийлик қилинди. 8,5 миллион сўмлик юмшоқ, 12 миллион сўмлик қаттиқ жиҳозлар олиб берилди. Япониядан гастрофиброскоп аппарати келтирилгани одамларнинг мушкулини осон қилди. Бунга пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти, Шароф Рашидов, Навоий номли, «Қашқадарё» хўжаликлари билан биргаликда фермерлар ҳам ҳисса қўшдилар. Жумладан, «Хушназаров Оқабек Акромович», «Ризақулов Комил» фермер хўжаликларининг ҳар бири 300 минг сўмдан маблағ ажратди.

Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури бўйича 14 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Хўжахайрон» ҚВПси қайта таъмирланди. Унинг атрофлари ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Айни пайтда Чироқчи, Андабозор, Мудин, Бойғунди, Пистали қишлоқ врачлик пунктлари янги қиёфа касб этиб, аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Неврология бўлимида ҳомийлар ёрдамида 12 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Шербек қишлоқ врачлик пункти учун 60 миллион сўм бюджет маблағлари ажратилган бўлса, ҳомийлар ёрдами билан 22 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, ҳомийларнинг 240 минг сўмлик юмшоқ жиҳозлари, 800 минг сўмлик кўрпа-ёстиқ жилдлари тумандаги юқумли касалликлар шифохонасига берилди. Вилоят «Пахта саноат» ҳудудий бирлашмаси кўмагида ажратилган «Дамас» русумли автомашина аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам бўлимига 64 миллион сўмлик тиббиёт ускуналари олиб берилди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда малакали шифокорларнинг ҳам ўрни катта. Шуни эътиборга олиб ҳомийларнинг саъй-ҳаракати билан 2 нафар шифокор хорижда малакаларини ошириб берилди.





**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ҚЎШМА КОРХОНА ЁРДАМИ

Мамлакатимизда Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган жорий йилнинг илк кунларида «Универсалфарм» қўшма корхонаси Наманган вилоятидаги ўнлаб ёлғиз қарияларга хайрия ёрдами кўрсатди.

«Нуроний» фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш республика жамғармасининг вилоят бўлими Наманганадаги «Нуронийлар» ва Поп туманидаги «Поп» қариялар уйига кўплаб дори-дармонлар, шу жумладан қариялар учун ўта зарур фармацевтика маҳсулотларини етказиб берди.

«Универсалфарм» қўшма корхонаси вакилларининг айтишича, «Нуроний» жамғармасининг ҳудудий бўлимлари орқали мамлакатимиз қариялари қўшма корхонадан умумий қиймати 8 миллион сўмдан ортиқ хайрия ёрдами олди.

*Юртимиз сиҳатгоҳларида*

## ДАРДИМИЗГА ДАВО ТОПДИК

Бош ҳаким қабулига кирганимизда, у янги келган хатлар билан танишиб ўтирган экан. Саломаликдан сўнг конвертлардан бирини очиб кўз югуртирди-ю, бизга узатди:

– Бизда ҳордиқ чиқариб, муолажа олиб кетган собиқ мижозимиздан келибди.

Мактуб эгасининг манзилгоҳига кўз югуртирдик. Тошкент шаҳрида яшовчи Абдумажит Абдуҳалиловдан экан.

«Мен тўрт йилдан бери учинчи гуруҳ ногиронлик нафақасини оларди, — дейилган эди хатда. «Зилол» сиҳатгоҳи чинакамига мўъжиза экан. Қўлтиқтаёқ билан бориб, иккала оёғимда юриб, жонажон жамоа қучоғига қайтдим. Бутун оилам номидан сизларга чексиз миннатдорчилик билдираман».

– Бу сингари мактубларни деярли ҳар куни олиб турамиз, – дейди бош ҳаким Умарали Латипов. Хатларнинг бири Қашқадарёдан бўлса, иккинчиси Андижондан, учинчиси Тошкентдан. Ҳаммасида юрак қаридан чиққан миннатдорчилик туйғулари акс этган эди.

«Зилол» сиҳатгоҳи Чимён қишлоғида, Шоҳимардон сой ён бағрида жойлашган бўлиб, 1991 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сиҳатгоҳда умуртқа поғонаси ва бўғим, неврологик, юрак-қон томир, аёллар, тери касалликлари билан оғриган беморлар даволанишади. Ҳозирги кунда бу ерда турли хил даволаш усулларидан фойдаланилмоқда. Парафин, массаж, игна, мануал терапия, сув ости массажи, циркуляр душ, балчиқ, маъданли сув билан даволаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мазкур маскан бошқа санаторийлардан яна бир жиҳати билан ажралиб туради. У ҳам бўлса муолажалар хонаси ётоқ биносида жойлашганлигидадир. Бу ўз навбатида мижозларнинг муолажадан кейин ташқарига чиқмасдан хоналарга бориб дам олиш имкониятини яратиб беради. Сиҳатгоҳда малакали шифокорлар ўзининг ширинсўзлиги билан дам олувчиларнинг кўнглини олишмоқда. Ёқубжон Латипов, Муҳамадали Миножиддинов, Дилфузахон Баҳромова, Умидахон Тўхтамовалар ана шундай шифокорлардан. Биз сиҳатгоҳдаги шарт-шароит, дам олиб, даволанувчиларга кўрсатилаётган маиший ва тиббий хизмат даражасини билиш учун даволанувчилар билан мулоқотда бўлдик.

**Ҳалимжон Ғофуров,**
**Олтиариқ тумани**

- Бу ерга уч йилдан буён даволанишга келаман. Чунки, биринчидан, ҳавоси тоза, иккинчидан, даволаш ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Шифокор ва ҳамшираларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми. Менга, айниқса, сиҳатгоҳ ҳудудидан чиқаётган маъданли сув жуда ёқди. У ўзининг шифобахшлиги билан ҳаракат-таянч органларига яхши таъсир қилар экан.

**Моҳирахон Эргашева,**
**Андижон вилояти**

– Аслида ўзим тиббиёт ходимиман. Лекин санаторийнинг мен истиқомат қилган биринчи бўлим биноси шифокори Ёқубжон Латипов илиқ таассурот қолдирди. У камтар, одамнинг кўнглидагини топиб гапирадиган, ўз соҳасининг усталаридан экан.

**Ғанижон Одилов,**
**Олтиариқ тумани**

– Инсондаги касалликни уқалаб даволаш қанчалик наф келтириши мумкинлигига шу ерда ишонч ҳосил қилдим. Тўғри, мен сиҳатгоҳда маъданли сув ва электр токи муолажаларини ҳам олдим. Лекин танамнинг бел қисми ва тиззаларимдаги кўп йиллик азоблардан ушбу усулдаги муолажадан сўнг соғайдим.

Сиҳатгоҳда кўплаб шифокор ва ходимлар даволанувчиларга беминнат хизмат кўрсатишади. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш бошланғич касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Уларга шарт-шароит яратиб бериш мақсадида ҳар бир бўлимда дам олиш хоналар ташкил қилинган. Маъмурият касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг соғлигини тиклаш мақсадида бир мунча ишларни амалга оширмоқда.

**С.АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**



*Балиқчи туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вакиллиги томонидан тиббиётчиларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож ходимларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. Ёзги таътил чоғида тармоқ вакилларининг 11 нафар фарзанди касаба уюшма ҳисобидан оромгоҳда дам олдирилди. Шунингдек, ҳар байрамда маданий тадбирлар уюштирилиб, ходимлар ва меҳнат фахрийларига совғалар улашилмоқда. Ҳамширалар ўртасида ташкил этилаётган кўрик-танловлар эса уларнинг касбий салоҳияти ошишига кўмак бераётир.*

***Суратда: тармоқ ходимлари касаба уюшма вакили Маҳмуджон Қўлдошев шифокор Санобар Қаробоева билан.***

**И.ҲАСАНОВ олган сурат**

# Тармоқ касаба уюшмаларининг вакилликлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ишларини олиб бориш бўйича ТАВСИЯЛАР

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2003 йил 18 мартдаги "Ўзбекистон касаба уюшмалари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан тармоқ касаба уюшмаси аъзолари сони 5 мингдан кам бўлган туман, 10 мингдан кам бўлган шаҳар, 30 мингдан кам бўлган Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар қўмиталари, бирлашган қўмиталари ва раислар кенгашлари ўрнига шу тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг тегишлича туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича вакилликлари жорий этилди (кейинги ўринларда "Вакиллик" деб юритилади).***

***Вакилликлар жорий этилишидан кўзланган асосий мақсадлардан бири – ўрта бўғиндаги ўз вазифаларига жавоб бермай қолган идораларни тугатиш, ортиқча қоғозбозликни камайтириш эвазига касаба уюшмалари марказий органларини бошланғич ташкилотларга янада яқинлаштиришдир. Бу эса ўрта бўғин фаолиятининг туб мақсад ва вазифаларини ўзгартирмай туриб, унинг шакл ва услублари такомиллаштирилишини тақозо этади.***

***Мазкур тавсияларда касаба уюшма аъзолари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вакилликлар амалга ошириши лозим бўлган асосий вазифалар келтирилган.***

## I. Жамоа-шартномавий муносабатларни ривожлантириш борасида

Шуни таъкидлаш жоизки, Вакиллик касаба уюшма органи ҳисобланмайди, шу боис унинг фаолиятида ҳайъат органлари (Пленум, Раёсат) йиғилишларини ўтказиш назарда тутилмаган.

Лекин ҳудудий-тармоқ келишувларини тузиш зарурати мавжуд бўлган ҳудудларда хўжалик органига паритет орган сифатида тармоқ касаба уюшмасининг ҳудуддаги касаба уюшмаси қўмиталари раислари Кенгаши (қуйида "Раислар Кенгаши" деб юритилади) келишув иштирокчиси сифатида қатнашиши мумкин. Бунда Раислар Кенгаши жамоа музокараларида ўз манфаатларини ифода этиш, келишувга имзо чекиш ва уни ўз муҳри билан тасдиқлаш ваколатини касаба уюшмасининг ҳудуддаги вакилига ишониб топшириши тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Агар муайян ҳудудда бошланғич ташкилотлар сони жуда кўп бўлса, ўз вазифаларини тезкор амалга ошириш учун Раислар Кенгаши маълум сон билан чекланган аъзолардан ихчам қилиб сайланиши мумкин.

Жамоа келишувларини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби, муддатлари, шунингдек, уларнинг мазмуни, амал қилиш муддати ва доираси, улар бажарилишини текшириб бориш қоидалари Меҳнат кодексининг 47-56 моддаларида белгилаб қўйилган.

Келишувлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иккита ҳолатга алоҳида эътибор берилиши тавсия этилади:

1) қонун ҳужжатларига риоя қилиш, яъни тузилаётган келишувга амалдаги қонунларга зид меъёрлар киритилишини олдини олиш, шунингдек, мазкур масалалар жамоа келишувларида акс эттирилиши шарт, деб қонун ҳужжатларида бевосита кўрсатма берилган меъёрий ҳолатларни акс эттириш;

2) юқори поғонада тузилган тармоқ ва ҳудудий-тармоқ келишувлари меъёрлари пасайтириб юборилишига йўл қўймаслик. Бунинг учун вакилликда юқори миқёсдаги тармоқ келишуви ва мазкур ҳудуд миқёсидаги ҳудудий келишув мавжуд бўлиши керак.

Ўзбекистон КУФК Раёсатининг 2001 йил 25 декабрдаги 6-2 сонли қарори билан тасдиқланган "Жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш Тартиби"га биноан келишувлар лойиҳалари касаба уюшмалари вилоят (Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳар) ташкилотлари бирлашмасига экспертиза қилиш учун берилиши керак.

Тузилган келишувлар Меҳнат кодексининг 51-моддасига биноан меҳнат органларида билдириш рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Қабул қилинган келишувлар мазмуни, уларнинг амал қилиш доирасига кирувчи барча касаба уюшма органларига етказилиши ва уларнинг норматив тусдаги қоидалари жамоа шартномаларига киритилиши керак.

**Ҳудудий-тармоқ келишувларида қуйидаги масалалар акс эттирилиши лозим:**

— Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва хўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари (МК 22-моддаси).

— Иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар (МК 70-моддаси).

— Касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги (МК 101-моддаси).

— Корхонада ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати (МК 117-моддаси).

— Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати (МК 119-моддаси).

— Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари (МК 137-моддаси).

— Тармоқ бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрлари: тариф сеткалари, ишбай баҳолар ва ҳоказо.

— Тармоқ бўйича энг кам ва ўртача иш ҳақи (Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан амалга ошириладиган тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда касаба уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш).

— Нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми (МК 52-моддаси).

— Иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун иш берувчининг жавобгарлиги, шу жумладан, моддий жавобгарлиги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли Қарори).

— Ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқлар технологик турлари бўйича ишчилар тариф ставкаларини ошириш коэффициентлари (Ўзб.Респ.Меҳнат вазирлигининг 1993 й. 8 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорларда).

— Хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда, шунингдек, ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун харажатларни тўлаш шартлари ва тартиби (МК 170-моддаси).

— Тармоқ бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбат (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли Қарори).

— Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш ва уларни жорий этиш тартиби.

— Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг энг кам миқдорлари.

— Ходимнинг айби билан қисман яроқсиз деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари.

— Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори (МК 166-моддаси).

— Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

— Иш ҳақи дебиторлик қарзларнинг ундирилмаганлиги сабабли кечиктирилганда, дебиторлар билан тузилган шартнома ва солиштирма далолатномаларга мувофиқ қарздорлик билан бирга тегишли жарималар ва пенялар ундирилишини таъминлаш ҳамда ундирилган маблағлар ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчиларнинг мажбурияти.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли қарорига биноан иш ҳақи тўловлари банк муассасалари айби билан кечиктирилганда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан тўловлар тегишли жарималар ва фоиз ставкалари инобатга олинган ҳолда берилишини банкдан талаб қилиш ва шу маблағ ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчиларнинг мажбурияти.

— Корхоналар балансида юқори ликвидли мулки бўлган тақдирда иш ҳақидан қарздорликни тугатиш мақсадида мулкчилик гарови асосида банкдан кредит олиш борасида иш берувчиларнинг мажбурияти.

— Меҳнат учун рағбатлантириш турлари, уларнинг қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш (МК 180-моддаси).

— Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тартиби ва шартлари (МК 217-моддаси).

— Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш (МК 240-моддаси).

— Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар (МК 249-моддаси).

**Мазкур йўналишда шунингдек, жамоа шартномаларини кенг жорий этиш вазифаси ҳам муҳим ўрин тутади.** Вакилликнинг бу борадаги фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жамоа-шартномавий муносабатлар кўламини кенгайтириш, уларнинг тузилиши, мазмуни, бажарилишини назорат қилиш борасида бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, бунинг учун тавсиялар, услубий қўлланмалар тарқатиш, ўқув-семинарлар ўтказиш;

- ҳар бир бошланғич ташкилотда қабул қилинаётган жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва қабул қилинганларини рўйхатга олиш;

- жамоа шартномалари бажарилишини таҳлил қилиш, улар бажарилишига оид статистик ҳисоботларни тўлдириш ва юқори касаба уюшма органига ўз вақтида топшириш.

Жамоа-шартномавий муносабатлар кўламини кенгайтириш борасидаги амалий ишларда барча бошланғич ташкилотларга Меҳнат кодексининг IX-боби талабларини тушунтириб бериш лозим.

Жамоа шартномаларининг мазмуни ва тузилиши бўйича тавсиялар (ёки жамоа шартномасининг тармоқ макети) "Ишонч" газетасида чоп этиладиган умумий тавсиялар асосида, тармоқ хусусиятларини инобатга олиб, ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилишда уларда Меҳнат кодексида бевосита кўрсатма берилган қуйидаги моддалар талаблари акс эттирилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим:

— Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари (4-модда).

— Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва хўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари (22-модда).

— Иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар (70-модда).

— Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби (94-модда).

— Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш заруряти деб ҳисобланадиган ҳолатлар (95-модда).

— Касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги (101-модда).

— Ходимлар сони қисқартирилаётганда уларнинг айрим тоифаларини ишда қолдиришда афзаллик бериладиган (қонунчиликда назарда тутилганидан бошқа) ҳолатлар (103-модда).

— Корхонада ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати (117-модда).

— Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати (119-модда).

— Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, ҳисобга олинадиган давр муддати, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар (123-модда).

— Ходимларни дам олиш, байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этиш асослари ва тартиби (130-модда, 132-модда).

— Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари (137-модда).

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилаб қўйган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойлар рўйхатига кирмаган бошқа жойларда ҳам ушбу шароитлардаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш тартиби (138-модда).

— Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш масаласи (142-модда).

— Таътил учун ҳақ тўлаш муддати (148-модда).

— Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловларни белгилаш (153-модда).

— Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори (157-модда).

— Тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори (158-модда).

— Ходимнинг айби билан қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар (159-модда).

— Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари, иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш кечиктирилганлиги учун жавобгарлик (161-модда).

— Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида ходимга бериладиган кафолатлар (166-модда).

— Ходимнинг (171, 172, 173-моддаларда кўрсатилган) иш билан боғлиқ қўшимча харажатларини компенсация қилиш шартлари ва тартиби (170-модда).

— Меҳнат учун рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш (180-модда).

— Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги (185-модда).

— Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори (194-модда).

— Давлат мулки шаклидаги корхоналарда иш берувчининг ходимдан зарарни ундиришдан воз кечиш ҳоллари (200-модда).

— Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати, шунингдек, бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати (203-модда).

— Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби (216-модда).

— Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тартиби ва шартлари (217-модда).

— Болани парваришлаш таътилларининг вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари (234-модда).

— Икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби (236-модда).

— Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш (240-модда).

— Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар (249-модда)

— Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг сон таркиби ва ваколатларини белгилаш (262-модда).

**Жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ва қабул қилинганларини рўйхатга олиш ишлари** Ўзбекистон КУФК Раёсатининг 2000 йил 12 июлдаги 1-7 сонли қарори билан белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Жамоа шартномалари бажарилишига оид 1-ЖШ шакли бўйича статистик ҳисоботлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача барча бошланғич ташкилотлардан йиғиб олинади, ва улар асосида 2-ЖШ шаклидаги жамлама ҳисобот 3 нусхада тайёрланиб ҳудудий бирлашмага ва юқори касаба уюшма органига топширилади, бир нусхаси эса вакилликнинг ўзида қолдирилади.

1-ЖШ, 2-ЖШ ҳисобот бланкалари вакилликка Марказий Кенгаши томонидан етарли миқдорда етказилиши лозим. Уларни тўлдириш бўйича тавсиялар Ўзбекистон КУФК Раёсати Ижроия қўмитасининг 1999 йил 23 ноябрдаги 20-4-сонли қарори билан тасдиқланган.

## II. Меҳнатга ҳақ тўлаш

Тармоқ ва корхоналар бўйича ўртача иш ҳақи миқдорини ҳар чоракда ва йил якунларига кўра таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, корхоналарда иш ҳақининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги нисбатни ҳам кузатиб бориш керак. Бунда иш ҳақининг тариф (яъни кафолатланган) қисми ўсишига кўмаклашиш талаб этилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати Ижроия қўмитасининг 2002 йил 28-мартдаги 23-9-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 88-сонли қарорини бажариш борасидаги тадбирлар"га биноан қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

— Жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига иш ҳақи тўловлари кечиктирилганлик учун корхоналар раҳбарлари масъулиятини ошириш чора-тадбирларини, иш ҳақи тўловлари кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган суммалар индексация қилинишини, жорий этиладиган тариф сеткасининг "0"-разряд ставкаси, устамалар, қўшимчалар, рағбатлантириш тўловлари ва корхона (тармоқ) бўйича эришиладиган ўртача иш ҳақининг аниқ миқдорларини киритиш;

— Иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўланишини амалда тақиқланишига эришиш.

— Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фақат ходимларнинг ёзма аризаларига кўра адолатли нархларда берилишини таъминлаш.

— Хўжалик бирлашмалари, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини оширишни, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлайдиган тариф сеткаларини ва ишбай баҳоларни қайта кўриб чиқилишига эришиш, бунда камситувчи меҳнат меъёрлари жорий этилишига касаба уюшма қўмиталари томонидан розилик бермаслик амалларини қўллаш.

Ҳар бир ой якунларига кўра иш ҳақи тўловлари бўйича (шу жумладан, ишлаётган пенсионерлар пенсиясидан, 2 ёшгача боласи бўлган аёлларга тўланадиган нафақадан, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси учун тўланадиган нафақадан) муддати ўтган қарздорлик миқдорини таҳлил қилиб бориш тақозо этилади.

Ўзбекистон КУФК Раёсати Ижроия қўмитасининг 2003 йил 2 июндаги 38-1-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича намунавий ҳаракат тартиби" га биноан ҳар чорак якунларига кўра мониторинг ўрнатиш, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш ва ундирилган иш ҳақи миқдорини ҳисоблаб бориш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

— иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган барча хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотлар маъмуриятларига расмий мурожаат қилиб қарздорликни бартараф этиш талабини қўйиш;

— иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2,5 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган барча хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотлар бўйича тегишли прокуратурага расмий мурожаат қилиш;

— иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 3 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган барча хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотлар бўйича фуқаролик судига даъво аризасини киритиш;

— суднинг иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари 1 ой давомида бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги қошидаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятининг моддий-техник ва молиявий таъминоти Департаменти ҳудудий бўлими (туман, шаҳар бўлинмалари)га ариза ёки тақдимнома киритиш;

— қарздорлик муаммоси республика органлари томонидан молиялаштиришга боғлиқ бўлса - иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 3,5 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотлардаги қарздорликни бартараф этишга кўмаклашишни сўраб белгиланган тартибда касаба уюшма Марказий кенгашига мурожаатнома киритиш;

— қарздорлик муаммоси маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва банк муассасаларига боғлиқ бўлса - иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 3,5 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотларда қарздорликни бартараф этишга кўмаклашишни сўраб белгиланган тартибда касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмасига мурожаатнома киритиш.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб-варақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги (Адлия вазирлигида 615 рақам билан рўйхатга олинган) йўриқномага биноан юридик шахснинг ҳисоб рақамида барча талабларни қондириш учун маблағ етарли бўлмаган тақдирда, уни пропорция асосида ҳисобдан чиқариш кўзда тутилганлигини ҳам унутмаслик керак. Йўриқномага кўра, пропорцияда албатта бюджетга, нобюджет жамғармаларига мажбурий тўловлар билан бир қаторда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, касаба уюшмаси аъзолик бадаллари акс эттирилиши лозим.

## III. Бандлик

Тармоқ корхоналарида янги иш жойлари барпо этилишига кўмаклашиш, уларни ҳисоблаб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, иш ўринлари қисқартилиши натижасида бўшатиб олинган ходимлар сонини ва уларга Меҳнат кодексининг 67-моддасида кўрсатилган моддий мадад чоралари кўрсатилишини ҳам назоратга олиш лозим.

Яширин ишсизлик аҳволи, яъни ходимлар ҳақ тўланмайдиган мажбурий таътилларга чиқариб юборилиши устидан мониторинг ўрнатиш (чорак якунларига кўра йўқотилган киши-кунларни ҳисоб-китоб қилиш) ва бундай ходимларга Меҳнат кодексининг 159-моддасига биноан ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш масаласини иш берувчилар олдига қўйиш керак.

## IV. Нодавлат сектори

Вакиллик иш режасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 1999 йил 29 январдаги 28-1 сонли **"Нодавлат сектори ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида"**ги қарори ва Федерация Кенгаши Ижроия қўмитасининг шу масалага тааллуқли кейинги қарорлари талабларини акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Тармоққа тегишли акциядорлик жамиятлари, ширкат ва фермер хўжаликлари, хусусий ва қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотларини барпо этиш ва жамоа шартномаларини тузиш ишларини олиб бориш лозим. Бунинг учун фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари ва қўшма корхоналар умумий рўйхатини (жорий йилнинг 1 январи ҳолатига) ҳудудий бирлашмадан олиб, ундан тармоққа мансубларини танлаб олиш ва уларда касаба уюшма ташкилотлари тузилишига ва жамоа шартномалари қабул қилинишига эришиш керак.

Тармоқдаги банкрот ва санация қилинаётган корхоналар устидан мониторинг ўрнатиш ҳам долзарб вазифалардан бири саналади.

Уни рўёбга чиқариш учун ҳудудий бирлашма орқали Иқтисодий ночор корхоналар ва банкротлик ишлари ҳудудий қўмитасидан мониторинг ҳужжатлари (реестр)ни олиб, улар асосида тугатилаётган ва санация қилинаётган корхоналардан бўшатиб олинаётган ходимларга қонунда кўрсатилган моддий мадад чоралари кўрсатилишига, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарздорлик ундирилишига эришиш керак. Бунда касаба уюшма вакилини корхонани тугатиш комиссияси таркибига киритилишига эришиш яхши самара беради.

## V. Юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш

Мазкур йўналишдаги муҳим вазифалар - аёллар, ногиронлар, 18 ёшга тўлмаган шахслар, уруш қатнашчилари ва ногиронлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар, кам таъминлаган ходимлар ва бошқа тоифадаги юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали уларга имтиёзлироқ шарт-шароитлар яратилишига эришишдир.

Масалан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон байналмилалчи жангчилар (фахрийлар) Бирлашмаси Кенгаши Раёсати, Афғон уруши ногиронларининг Республика хайрия жамғармаси Бошқарувининг 2003 йил 10 июлдаги 14-3/ 01-04/214 "а"/ 7 / 12 сонли қўшма қарорига биноан қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

— ишлаётган ногиронларни, байналмилалчи жангчилар фахрийларни ва 18 ёшга тўлмаган ходимларни ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида касаба уюшма органлари ва иш берувчилар томонидан олиб борилаётган ишларни тармоқлар ва ҳудудлар миқёсида атрофлича ўрганиб чиқиш ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўриш;

— жамоа келишувларида меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, ногиронлар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар, ногиронлар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар киритилишига эришиш;

— хўжалик юритувчи субъектларда қабул қилинаётган меҳнатга ҳақ тўлашга оид локал ҳужжатлар касаба уюшма қўмиталари билан албатта келишиб қабул қилинишини иш берувчилардан талаб қилиш, бунда 18 ёшга тўлмаган ходимлар ҳамда ногиронлар учун камайтирилган меҳнат нормалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилишини таъминлаш;

— корхона, ташкилот, муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар ташкил этилишини, иш жойларини аттестация ва паспортизация қилинишини, уларда зарарли омилларни камайтириш чоралари кўрилишини, ногирон ходимларга тиббий хулосалар асосида тегишли меҳнат шароитлари яратилишини иш берувчилардан талаб қилиш;

— тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ишида тегишли касаба уюшма органлари вакилларининг иштирокини таъминлаш;

— маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва иш берувчилар билан ҳамкорликда хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматлари, кадрлар бўлимлари, ҳисобхоналари, хавфсизлик техникаси бўйича мутахассисларини меҳнат қонунчилиги бўйича шартномавий асосда ўқитишни ташкил этиш;

— Байналмилалчи жангчилар (фахрийлар) бирлашмасининг, Ногиронлар жамиятининг, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳуқуқий билимларни ошириш бўйича ёшлар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш.

Шунингдек, Федерация Кенгаши Раёсатининг қарорлари асосида ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурлари (хусусан, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури) бажарилишига кўмаклашиш лозим.

Вакилликнинг Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишидаги фаолиятини йўлга қўйишда Ўзбекистон КУФК Ижроия қўмитасининг 2002 йил 15 июлдаги 27-5 сонли қарори билан тасдиқланган „Касаба уюшма органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида Намунавий Низом"дан фойдаланиш тавсия этилади.

**Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими**



Уйчи туманида «Машад» болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилганлиги нафақат ёшларни, ота-оналарни ҳам хушнуд этди. Замонавий, барча қулайликларга эга, жаҳон талабларига мос мазкур спорт биносининг қуриб битирилиши уйчиликларга катта байрам туҳфаси бўлди. Энди ёшлар, спорт ихлосмандлари чиройли, кўркам кошонада машғулотлар ўтказадиган бўлишди.

Ушбу масканда катта зал, 600 ўринли ўйингоҳ мавжуд бўлиб, бу ерда болалар спортнинг ўн икки тури билан шуғулланиш имкониятига эга. Барча спорт анжомлари улар ихтиёрида.

Мажмуини 9-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари барпо этишди. Қурилиш ишларида 321 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

***Суратда: Уйчи туманидаги «Машад» болалар спорт мажмуида.***

**Ҳ. МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

*Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак*

# ЭРТАНИНГ ЖОЗИБАСИ БОР

***Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳомийлик ҳам шифокорлик билан тенг, яъни маълум муддат чорасиз қолган кишига ўзгалар томонидан кўрсатилган меҳр-мурувватнинг фойдаси беқиёс. Бундай меҳру саховатдан киши тезда ўзини тиклаб олади, руҳи ва жони қувват олиб, яна олдинга томон жадал одимлайди. Юртимизда эса ён-атрофдагиларга яхши сўзи, амалий кўмаги билан меҳр кўрсатаётганлар жуда-жуда кўп.***

## ТИЛЛОСИ КЎП «РАИС БОБО»

Бу инсонни эл-улус жуда иззатлайди, тўй-маъракаларда «қани, раис бобо, тўрга ўтинг!» дея мулозимат қилишади. Йиғинларда кўринмай қолса «раис бобомиз келмаяпти-ку?!» дея ташвишга тушадиганлар анча-мунча. Хуллас, ҳар бир даврада унинг ўз ўрни бор. Сиз «бундай обрў-эътиборга қандай эришгансиз?» дея асло сўрай кўрманг. Энг аввало иши билан қизиқинг, чунки меҳнатдан сўз очилса бас, яйраб кетади. Дарҳол сизни ўзига яқин тутиб, режалари ҳақида сўзлай бошлайди. Шунда сиз бу инсонга тилингиз учида турган савол билан мурожаат этинг.

– Тадбиркорларни кўпчилик «бой-бадавлат яшайди» дейишади. Шу ростми. Умуман, тадбиркорнинг иши кўпми ё пули? Нима дейсиз?

Суҳбатдошимиз табиийки, гапни узоқдан бошлайди:

– Мени бундан йигирма йилларча бурун Қўшработнинг Миришкор қишлоғидагилар «Нормуҳаммад фельдшер» деб чақиришарди. Чунки у ерда анча вақт фельдшерлик қилганмиз. Биз яшайдиган жойларда чорва боқиларди, кўпчилик шу юмуш билан банд эди. Хасталиклар ҳам кўп учрарди, албатта. Масалан, анемия, ичак оғриқлари, бруцеллез... Кузатишларимдан сўнг шундай хулосага келдимки, аксарият одамлар узуккун иш билан банд бўлиб, ўзлари ҳақида мутлақо ўйлашмайди. Нега? Ахир инсон ўз оиласининг моддий фаровонлиги учун ишлаяпти-ку. Демак, соғлом бўлсагина бундай фаровонлик унга завқ бера олади. Шундай экан, меҳнат қилиш даврида йўқотилган энергия ўрнини мудом зарур витаминлар билан тўлдириб борши лозим. Эътибор қилинг, қишлоқларда сут-қатиқ, хўл мева бисёр, томорқада сархил сабзавотлар ғарқ пишиб ётади. Лекин бу неъматлардан салату таомлар тайёрлаб, ҳузур қилиб ейишга шошилмайдиганлар кўп... Оқибатда камқонлик ўз-ўзидан келиб чиқаверади ва бемор яна шифокорга югуриб қолади, хўл мевалардан зарур витаминларни олиш ўрнига нуқул кимёвий дори-дармонларга зўр беради. Мени бундай ҳолатлар кўп ўйлантирарди. Ахир она еримиз нақадар сахий, унда мўл-кўл нозу неъматлар етиштириш, витаминларга бой сут-қатиқни кўпайтириш мумкин-ку! Ўша кезларда тадбиркорлик соҳасида ўзимни синаб кўришга қарор қилдиму чўлқуварлар яшайдиган вилоят томон отландим. Мана, Жиззахнинг Дўстлик туманида, «Истиқлол» сувидан фойдаланиш уюшмаси ҳудудидаги «Миришкор» хусусий чорвачилик фермаси бошлиғи сифатида танилдим. Бу ерликлар мени кўпинча «раис бобо» дейишади... Энди саволингизга келсак, аслида иш юритиш мен ўйлаганчалик осон кечгани йўқ. Аввалига анча қийналдик, оиламиздагиларнинг ҳаловати бузилди, гоҳ молхонага чопамиз, гоҳ далага... Иш кўп, югур-югур ундан ҳам кўп. Тадбиркор ё фермер то ишда ўзини кўрсатиб атрофдагиларнинг меҳрини қозонгунча ўзи ҳам меҳнат қозонида обдон қайнаши лозим экан! Қанча кўп ишласа шунча тез бойийди, мана шунақа!

Ҳа, Нормуҳаммад Хўжаев катта ҳаёт тажрибасига эга, ҳар масалага ақл кўзи билан қараб, сўнг мушоҳада қилади. Бугунги кунда юздан ошиқ қорамоли, гектар-гектар ер-майдонлари бор. Ўтган йили мавжуд майдонларда пахта, ғалла, маккажўхори, беда, полиз маҳсулотлари етиштириб, мўлжалдагидан кўпроқ соф даромад қилди. Ҳар галгидай даромаднинг маълум қисмини болалар муассасаларига, кам даромадли хонадонларга, боқувчисини йўқотган серфарзанд оилаларга ажратди. «Ҳа деган туяга мадад». Ахир инсон ўзгалар меҳридан куч-қувват олади, таскин-тасалли топади, бу нарсани Нормуҳаммад Хўжаев чуқур ҳис этади.

«Обрў мисқоллаб топилади, лекин хушёр бўлмасанг уни бир лаҳзадаёқ йўқотишинг мумкин. Мен то умримнинг охирига довур одамлар хизматидаман, нимагаки эришсам фақат одамлар меҳри туфайли эришганман!» – дейди суҳбатдошимиз.

## «ЖОНИНГИЗ ОҒРИМАСИН, АЗИЗЛАР...»

– Аҳолига тиббий хизмат сифатини яхшилашнинг ягона йўли малакали шифокорларни кўпайтириш ва замонавий тиббий жиҳозларга эга бўлишдир, – дейди Дўстлик туман марказий касалхонасининг бош врач ўринбосари Фарҳод Эшқувватов. – Айни вақтда бундай шифокорлар бизда анчагина. Тиббиёт фанлари номзоди, жарроҳ Илҳом Умрзоқов, офталмолог Тоҳир Боқиев, ЛОР мутахассис Тўлқин Ёлғошев, акушер-гинеколог Толиб Худоёров, терапевт Соибназар Мусаев сингарилар жуда тажрибали ва юқори малакага эга бўлган шифокорлар ҳисобланади. Шунинг учунми, кўпинча шифохонамизга бошқа туманлар, ҳатто қўшни вилоятлардан беморлар келиб даволанади. Бунинг яна бир сабаби бор. Кейинги йилларда шифохонани кўпгина тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга эришдик. УЗД, ФГС, ЭКГ, флюорография ва рентгенография аппаратлари бенуқсон ишлаб турибди. Улар ёрдамида беморларнинг дардини тез аниқлаб, самарали муолажа қилишга муваффақ бўлмоқдамиз.

Шифохона биноси атрофи кўркам, ҳар ёнда атиргуллар эрта баҳордан то кеч кузгача барқ уриб ётади. Бўлимларда беморларнинг ўзини яхши ҳис этиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Шифокорлару ҳамширалар ширинсўз, чаққон...

Шифохонанинг юқумли касалликлар бўлими доимо беморлар билан тирбанд. Нега шундай? Чунки қишлоқ шароитида санитария-гигиена ҳолатларига ҳар доим ҳам амал қилинавермайди. Кўчадан келиб дарров овқатга қўл уриш, ака-укалар, опа-сингиллар учун совун-сочиқларнинг алоҳида бўлмаслиги, тозаликнинг аҳамиятини билмаслик сингари ҳолатлар юқумли хасталикларнинг тез ва осон тарқалишига имкон яратади.

Бирйўла йигирма нафардан ошиқ беморни қабул қилиб, тиббий муолажа ўтказа оладиган юқумли касалликлар бўлими шифокорларининг эзгу мақсадлари битта. «Жонингиз асло оғримасин, азизлар» дейишмоқда улар.

**Г.ЖАМИЛОВА**

*Армия – юрт таянчи*

***Бугунги кунда Қуролли Кучлар сафига жиддий синов ва танловлардан ўтган йигитлар саралаб олинмоқда. Бутун мамлакатда бўлгани каби Жануби-Ғарбий округ ҳарбий қисмларида ҳам аскарларнинг ҳар томонлама маҳорат соҳибига айланиши, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиши учун барча шарт-шароит яратилган.***

# ҚАДР ТОПГАН КАСБ

Нишонлик Баҳодир Ҳусайинов муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли адо этиб, уйига қайтди. Лекин уйда ўтира олмади. Қудратли, замонавий қурол-аслаҳа ва техникани пухта ўзлаштириб олган мард ва жасур қишлоқ фарзанди ота-онаси билан маслаҳатлашиб, хизматни шартнома асосида давом эттиришга киришди. Кичик сержант ўзининг тиришқоқлиги, топшириқларни виждонан адо этиши билан жамоада катта обрў-эътибор орттирган.

– Президентимиз муддатли ҳарбий хизмат ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғломлаштиришнинг кучли ва самарали воситаси, изчил ва барқарор ривожланишнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлаб, уйга қайтган аскарнинг муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилаяпти, – дейди ҳарбий хизматчи Б.Ҳусайинов. – Аскар ва зобитларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилганлиги кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди.

– Ҳарбий хизмат ҳақиқий мардлик ва ватанпарварлик мактабидир, – дейди мамлакатимиз жанубидаги ҳарбий қисмлардан бирининг батальон командири ўринбосари Н.Авлаев. – Ҳар бир аскар Ватан тинчлиги ва халқ фаровонлигида ўзининг ҳам беқиёс улуши борлигини ҳис қилиб яшайди ва она-юрт хавфсизлигини ҳимоя қилишда зиммасидаги масъулиятни теран англайди.

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори зобитлар ва шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун йўл очиб берди ва янги устама ҳақ миқдорлари, хусусан, батальон командирининг ўринбосари, кичик сержант Норқўчқор Ортиқов учун ҳам анча қулай бўлди.

Тоғли Деҳқонобод туманида туғилиб ўсган кичик сержант ўғли Русланни ҳам ҳарбий қилиб тайёрлаш ниятида.

– Ушбу қарор миллий армиямизнинг фуқаролар ўртасида нуфузини янада оширади, – дейди кичик командир биз билан суҳбатда. – Муҳим ҳужжатда Қуролли Кучлар сафида йигитлик бурчини ўтаётган аскарларимизнинг нафақат армия давридаги фаолияти, балки уларнинг эртанги куни ва келажак тақдири учун ҳам ғамхўрлик кўрсатилган. Олий ўқув юртларига киришда тест синовларидан тўпланадиган баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклида имтиёз бериш белгиланганлиги барчани бирдек хушнуд этди.

Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан ушбу қарорларнинг ижросини таъминлаш доимий назоратга олинган. Гарнизон ҳудудидаги қисмларда ҳужжатларнинг моҳияти ҳақида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Ҳарбий прокурор, адлия майори Б.Худойбердиев, прокуратура ходимларининг «Ҳарбий хизмат – муқаддас бурч», «Ижтимоий муҳофаза – давр талаби», «Ҳарбий хизматни ўтаган ёшларни иш билан таъминлаш», «Ҳарбий хизматчиларга берилган қўшимча имтиёзлардан фойдаланиш тартиби» каби мавзулардаги суҳбатлари айниқса, катта қизиқиш уйғотяпти.

Ҳозирга қадар ҳарбий сафарбарлик чақируви хизматини адо этганлар сони 7 минг кишидан ошиб кетди. Улар амалдаги йиғинларни ўтаганларидан сўнг ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбийлашган тузилмаларда шартнома асосида хизмат қилишаяпти. Кўпчилиги тегишли имтиёзлар асосида олий ўқув юртларида ўқишга қабул қилинди. Армиядан қайтган ёшлардан иборат абитуриентларни кириш имтиҳонларига бепул тайёрлаш йўлга қўйилди.

– Қарши Давлат университети тарих факультетини тугатганимдан сўнг агроиқтисодиёт коллежида ўқитувчи бўлиб ишладим, – дейди сафарбарлик чақируви резерви қатнашчиси нишонлик О.Чориев. – Янги йил кунларида ҳарбий қасамёд қабул қилиб хизматни адо этишга киришдик. Бўш вақтларимда ғоявий-сиёсий билимимни ошириб бораяпман. Хизматни тугатгач, иккинчи мутахассислик бўйича ҳуқуқшуносликка ўқимоқчиман.

Қисм раҳбарияти Аъзам Назаров, Жасур Раҳматов, Фарруҳ Фозилов сингари аълочи ва интизомли йигитларнинг номларини фахр билан тилга олди. Батальон командири А.Ҳақбердиевнинг таъкидлашича, йил давомида 3 мингга яқин фуқаро сафарбарлик чақируви резерви йиғинларини ўтаган. Ёшларнинг ҳарбий билимлар ва техниканинг эгаллашга иштиёқи баланд.

Яқинда Нуристон шаҳридаги сафарбарлик чақируви резерви батальонига «Маҳалла» жамғармаси Касби туман бўлинмаси фаоллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ташриф буюрдилар.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Долли Аллаев, туман бўлинмаси раиси Фазолат Бафоева, Қамаши қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Қораевларнинг она Ватан сарҳадларини кўз қорачиғидек асраш, ҳарбий хизматни виждонан адо этишга қаратилган суҳбатлари йигитларда катта таассурот қолдирди. Қисм кутубхонаси ҳомийлар тақдим этган ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар билан бойиди. Қизиқарли концерт намойиш этилди. Тўкин дастурхон ёзилиб, ош тортилди.

Ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган аскар ва зобитлар меҳнати қадрланаётганлиги ҳарбий хизматни сўзда эмас, балки амалда обрў-эътиборли касбга айланаётганлигини кўрсатиб турибди.

**И.НИШОНОВ**

## САҲНАВИЙ ТАЛҚИН

«Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланган бадиий композиция мафкуравий мулоқот-томоша жанрида тақдим этилди. «Турон» ёшлар театр-студияси томонидан саҳналаштирилган бу мўъжаз постановкада терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик ва ўз жонига қасд қилиш каби иллатлар фош этилади.

Эндиликда ушбу мулоқот-томоша республикамизнинг бошқа шаҳарларида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Театр-студия актёрлар гуруҳининг Самарқандга қилган ижодий сафарида ушбу мўъжаз постановка бир неча бор намойиш қилинди. Ундаги «Онаизор» деган кичик спектакл ҳамда «Оқ ажал», «Шайтон макри» саҳнавий лавҳалари ижроси ҳам ёшларни ҳаяжонга солди.

**А.АЛИЕВ**

*Турмуш чорраҳаларида*

***Ҳаётда нималар бўлмайди. Бир танишим уч фарзанди билан оиласидан ажралди. Бир пайтлар улар не-не орзу-ҳаваслар билан тўй қилиб, оила қуришган эди. Сабаби оддий: ҳаёт синовлари олдида довдираб қолишди. Тўғри йўл қолиб кўнгил кўчасига киришди. Икки ўртада норасида гўдакларга қийин бўлди.***

# ЭРКАК САДОҚАТИ

Болалигимдаги бир воқеа ҳамон эсимдан чиқмайди. Бувимнинг қўшниси Мирабдулла амаки аёли Нафиса хола билан аҳил-иноқ яшашарди. Уларнинг икки ўғиллари бор эди. Лекин қишлоқда «Мирабдулланинг уйи ўрнида илгари жинлар яшаган, шу уйга кўчиб киришгандан бери эру хотинни безовта қилаверишади, охир-оқибат ўша уйни қулф-калит қилиб ёнидан бошқа уй солиб шунга кўчиб чиқишди», – деган узунқулоқ гаплар юрарди. Уларнинг айтишларича, Мирабдулла амаки аёлига: «Ҳеч нарсадан қўрқма, доимо Калимаи шаҳодатни айтиб юр», – дея тайинларкан, лекин аёли: «Кўзимга ҳар балолар кўриняпти, бу ердан кўчиб кетайлик», – дейишини қўймас экан. Хуллас, бу миш-мишлар охир-оқибат ғалати бир ҳодисага олиб келди.

Ўша куни Мирабдулла амаки ишдан кечроқ қайтди. Қарасаки, хотини уйда йўқ. «Тавба, шу маҳалда қаёққа кетган бўлиши мумкин», – деб ўйлади-ю, сўнг юраги ваҳимага тушиб, дарҳол ухлаб ётган катта ўғлини уйғотди. «Онам кечқурун, мени кимдир чақиргандай бўлаяпти, чиқиб қарай-чи, деб ташқарига чиққанча қайтиб келмадилар». Мирабдулла амаки тезда қўни-қўшниларни йиғиб излашга тушди. Афсуски, Нафиса холанинг дараги чиқмади. Баъзилар «Балки жинлар ақлидан оғдириб бирор ёққа бошлаб кетишгандир», дейишди.

Мирабдулла амаки ноумид бўлмай аёлини дала-ю даштлардан, канал ёқаларидан ахтаришга тушди. Тавба, бу мусичадек беозор, қишлоқдан ташқарини кўрмаган соддагина аёл қаёққа кетиши мумкин.

Хуллас, орадан йиллар ўтди. Ўғиллар вояга етди. Мирабдулла амаки ҳам энди кексайди, йўлга қараб умрини ўтказди. Бир куни биз мактабдан қайтаётсак, бува қўлида асо, қадди дол бўлиб секин-секин одимлаб қишлоқ томон бораётган экан. «Буважон, қаёққа кетаяпсиз?», дедик қизиқиб. «Қаёққа борардим, болаларим, Нафисақ холаларингни дараклаб юрибман-да, шунча йил ўтди, бирор киши кўрдим демади...» Ўғиллар бўй етгач Мирабдулла бува уларни уйлантирди, қатор-қатор набиралар кўрди, лекин эшикдан кўзини узмади. Ён-атрофдагилар, «Бўлди-да, энди. Келса шунча йилдан бери келарди. Тили забони бор-ку ахир, тирик бўлганида, мен фалон қишлоқда яшайман, ўша ёққа олиб бориб қўйинглар, дерди-ку. Аза очақол шўрликка энди», дейишди. Мирабдулла бува кўнмади.. «Мен аза очсам, сўнг у бир куни кириб келса, юзига қандоқ қарайман», деди юм-юм кўз ёши тўкиб. Шу орада Мирабдулла буванинг ўзи ҳам омонатини топшириб қўяқолди. Садоқат, меҳр-муҳаббат шунчалик катта куч эканлигини ўшанда фаҳмлаганман.

**Ч.МЕЛИҚЎЗИЕВА**

## МАХСУС ТАЙЁРГАРЛИК МАРКАЗИ

Ўзбек халқининг миллий қадрияти - курашни ўрганаётган мамлакатларни тажрибали мураббийлар ва ҳакамлар билан таъминлаш - Кураш халқаро ассоциациясининг (КХА) муҳим вазифаларидан.



КХА мутасаддилари спортнинг бу тури бўйича малакали мутахассисларни тарбиялаш масаласини самарали ҳал этиш мақсадида жойларда Кураш махсус тайёргарлик марказларини очишга катта эътибор қаратмоқда.

Кураш халқаро ассоциациясининг матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, Жанубий Кореянинг Сечеон шаҳрида ана шундай махсус тайёргарлик маркази фаолият бошлади. Жанубий Корея спорт вазирлигининг минтақавий ваколатхонаси ва кураш миллий федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган марказнинг очилишида ўзбек кураши кореяликлар ўртасида тобора оммалашиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Янги марказнинг иш бошлаши Жануби-шарқий Осиё минтақасининг бошқа мамлакатларида ҳам спортнинг бу тури янада ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Сечеондаги Кураш махсус тайёргарлик марказида мазкур мамлакатнинг турли ҳудудларидан келган ўзбек кураши мутахассислари билан бирга қўшни давлатлар вакиллари ҳам ҳакамлик ва мураббийлик бўйича ўз билим, малака ва тажрибасини оширади.

**(ЎзА)**

## МУНОСИБ БАҲО

Ўзбекистон Ёшлар театри репертуаридан ўрин олган спектаклларда кўтарилган долзарб мавзулар ва ижрочилик маҳорати томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Ўтган йилнинг ўзида саҳналаштирилган постановкалар актёрларнинг жиддий ижодий ютуғи деб баҳоланди.

Россия Федерацияси бўйлаб уюштирилган гастрол давомида кўрсатилган спектакллар айниқса, кўплаб томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Спектаклларнинг аксарияти театрнинг бадиий раҳбари Наби Абдураҳмонов бошчилигида саҳнага олиб чиқилди. Уларни постановка қилишда ҳам режиссёр ўз маҳоратини кўрсатди.

Шу сабабли ҳам республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Наби Абдураҳмонов 2005 йилда ёшларнинг энг севимли режиссёри деган фахрли номга эга бўлди.

**Маҳмуд ИЛҲОМОВ**

## Спорт оламида

*Бокс*

### ДОПИНГ МОЖАРОСИ

Профессионал боксда яна бир допинг можароси юзага қалқиб чиқди. Янги Зеландия суди шов-шувга сабаб бўладиган бир хабарни тарқатди. Маълум бўлишича, 2000 йилда машҳур оғир вазнли боксчи Дэвид Туа мутлақ жаҳон чемпионлиги учун Леннокс Льюис билан жанг олдидан бир қанча муддат тақиқланган препарат – эфедрин қабул қилган экан.

Менеджер ва мураббий Кевин Бэррининг эътироф этишича, матч арафасида ҳаддан ташқари (180 сантиметр бўй билан 135 килограммга) семириб кетган Туа бу аҳволда рингга чиқолмас эди, албатта. Шунинг учун у ушбу йўлни танлашга мажбур бўлган.

*Футбол*

### ДУШАНБА – ОҒИР КУН

Халқ орасида юрадиган иборанинг «миллионерлар ўйини»га ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин Англия терма жамоаси бош мураббийси Свен-Ёран Эриксон Жаҳон чемпионатидан кейин эгаллаб турган лавозимидан истеъфога чиқишини айнан душанба куни эълон қилди. Ким билади, швед мутахассисининг бу қарори туманли Альбион футболчиларига қандай таъсир ўтказади, лекин ҳар ҳолда энди Эриксон бутун куч, ирода ва маҳоратини Англия терма жамоасининг муваффақиятли иштирокини таъминлашга қаратишга мажбур.



Акс ҳолда, инглиз жамоатчилиги уни кемани ташлаб қочган командирга қиёслашлари турган гап. Аслида Эриксон шартномага кўра 2008 йилгача ишлаши лозим эди.

*Хоккей*

### ЖАРОҲАТ ПАНД БЕРДИ

«Чикаго» дарвозабони Николай Хабибулиннинг тиззадан жароҳат олганлиги Россия терма жамоаси режаларини бузиб юборди. Бош мураббий Владимир Крикуновнинг сўзларига қараганда, Хабибулин ўрнини Санкт-Петербургнинг СКА клуби қўриқчиси Максим Соколов эгаллаши мумкин. У жамоа таркибида аввал ҳам кўплаб учрашувларда қатнашган. Ишончли дарвозабон. Фақат унинг ўзи тан олишича, канадаликларга қарши яхши ўйнолмайди.

Бош мураббийнинг бошини қотираётган яна бир муаммо, бу ҳадемай Италияда бошланадиган Қишки Олимпиада ўйинларига қадар таркибга чақирилган дарвозабонларнинг қай бириси биринчи рақамли эканлигини аниқлаб олишдир.

*Теннис*

### ҲАР ТЎКИСДА БИР АЙБ

Австралиялик машҳур теннисчи Джон Ньюкомб Мария Шарапованинг рақиблари ва ҳакамлардан россиялик спортчининг ўзини кортда хотиржамроқ тутишга мажбур қилишларини сўради. Унинг сўзларига қараганда, Шарапованинг муттасил қичқириғи ва жунбушга тушишлари ўйин қоидаларига зиддир. Бу ҳол теннис коптогининг тўрдан ўтиш палласини рақиб илғаб олишида қийинчилик туғдиради.



Джон Ньюкомб даъватини инобатга олувчилар топиладими, йўқми, лекин бу орада Мария Шарапова Австралия очиқ чемпионатининг ярим финалида қатнашиш ҳуқуқини биринчи бўлиб қўлга киритди. У ўз ватандоши Надежда Петровани 7:6 (8:6) ва 6:4 ҳисобида мағлуб этиб, турнирнинг кучли тўртлигига киришга улгурди.

Дарвоқе, ярим финалда ким билан учрашиш уни мутлақо қизиқтирмаслигини, ғалаба учун охиригача курашажагини билдирди.

*Баскетбол*

### МУХЛИС ҲУЖУМЧИ БИЛАН СУДЛАШМАЙДИГАН БЎЛДИ

Миллий баскетбол ассоциацияси «Чикаго» клубининг мухлиси Майкл Аксельрод «Нью-Йорк» ҳужумчиси Антонио Дэвисни судга бериш фикридан қайтди. Бу Аксельрод ва Дэвисларнинг биргаликдаги баёнотидан сўнг маълум бўлди. Агар хабарингиз бўлса, ушбу можаро «Чикаго» – «Нью-Йорк» клублари ўртасидаги матч чоғида юз берган эди.



Ўшанда, айни вақтда МБА ўйинчилари касаба уюшма етакчиси ҳам ҳисобланган Дэвис томошабинлар ўтирадиган минбарга йўл олиб, мухлислардан бири билан баланд овозда «орани очди қилиб» олган эди. Бу воқеа икки томошабин (улардан бири Аксельрод эди) спортчининг рафиқаси билан унинг ўғли гувоҳлигида гап талашиб қолгандан сўнг содир этилган, Дэвис, табиийки, умр йўлдошини ҳимоя қилмоқчи бўлган эди.

– Агар мумкин бўлса, соғлом ақл сўзига кириб, зиддиятлардан сақланган маъқул, – дейилади мухлис ва спортчи баёнотида.

**М.ИБРОҲИМОВ тайёрлади**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.15

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

123456